

2019

THE APPEARANCE OF THE SCIENCE OF «JARH AND TA'DIL» AND ITS DEVELOPMENT IN THE FIRST TWO CENTURIES

Noʻmonjon Toʻrayev

International Islamic Academy of Uzbekistan, numonjon.turaev@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

Recommended Citation

Toʻrayev, Noʻmonjon (2019) "THE APPEARANCE OF THE SCIENCE OF «JARH AND TA'DIL» AND ITS DEVELOPMENT IN THE FIRST TWO CENTURIES," *The Light of Islam*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 6.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss2/6>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

No'monjon TO'RAYEV,
International Islamic Academy of Uzbekistan,
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

«ЖАРҲ ВА ТАЪДИЛ» ИЛМИНИНГ
ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ДАСТЛАБКИ ИККИ
АСРДАГИ РИВОЖИ

ПОЯВЛЕНИЕ НАУКИ «ДЖАРХ И
ТАЪДИЛ» И ЕЕ РАЗВИТИЕ В ПЕРВЫЕ ДВА
СТОЛЕТИЯ

THE APPEARANCE OF THE SCIENCE
OF «JARH AND TA'DIL» AND ITS
DEVELOPMENT IN THE FIRST TWO
CENTURIES

Калит сўзлар: *иснод, жарҳ ва таъдил, гийбат, фитна, забт, бидъатчилик, таассуб.*

Ключевые слова: *иснад, джарх и таъдил, сплетня, заговор, забт, бид'ат, фанатизм.*

Key words: *Isnad, jarh and ta'dil, gossip, conspiracy, zabt, bid'at, fanaticism.*

Ҳадис илмида ҳадиснинг таркибий қисми ҳисобланган ровийлар занжири, яъни «иснод»ни танқидий ўрганишга катта эътибор берилади. Зеро, исноддаги ровийларнинг ишончлилиги даражасига қараб, унинг саҳиҳ ёки заифлиги, қабул қилиш мумкинлиги ёки рад этилиши лозимлиги аниқланади.

Ҳадисларни қабул қилишда иснодни билиш муҳим эканлиги тўғрисида тобейлардан бўлган Ибн Сириннинг қуйидаги гаплари ривоят қилинади. Ибн Сирин айтади: «Ушбу илм диндир. Динингизни кимдан олаётганингизга қаранг» [17;1;355 б.].

Ушбу илмда ровийларнинг айб-нуқсонлари, адолати ва ишончлилиги каби салбий ҳамда ижобий сифатларининг ўрганилгани учун «жарҳ ва таъдил илми» деб аталади.

«Жарҳ» сўзи луғатда «яралаш», «таъна қилиш» каби маъноларни англатади. Истилоҳда «жарҳ» деб, ровий ёки гувоҳга унинг гапи эътиборга олинмаслиги ёки унга амал қилинмаслигига сабаб бўлувчи салбий шахсий иллатларнинг нисбат берилишига айтилади.

«Таъдил» сўзи арабча «адалат» сўзининг масдари бўлиб, луғатда «адолатли деб топил» маъносини беради. У ёлгоннинг зидди-

Ҳадис илмида ҳадисларнинг таркибий қисми ҳисобланган ровийлар занжири, яъни иснодни танқидий ўрганишга катта аҳамият берилади. Зеро, исноддаги ровийларнинг ишончлилиги даражасига қараб ҳадисларнинг саҳиҳ ёки заифлиги, қабул қилиш мумкинлиги ёки рад этилиши лозимлиги аниқланади. Ровийларнинг айб-у нуқсонлари, адолати ва ишончлилиги каби салбий ҳамда ижобий сифатларини аниқлаш ва бу асосда алоҳида олинган ровий тўғрисида ҳукм чиқариш билан шугулланувчи ушбу илм «жарҳ ва таъдил» илми деб аталади.

«Жарҳ ва таъдил» илмининг пайдо бўлиши тўғрисида турли қарашлар мавжуд бўлиб, баъзи тадқиқотчилар ушбу ҳодисани ислом тарихида юз берган илк фитналарга боғлашга уринишган бўлса, бошқалари уни ҳижрий иккинчи аср ўрталарида пайдо бўлганини таъкидлашади. Шу билан бирга, ушбу илмнинг барча ислом ўлкаларида бир даврда пайдо бўлганми ёки турли ҳудудларда турли вақтда пайдо бўлганми, деган савол юзасидан ҳам фарқли қарашлар кузатилади.

Ушбу қарашларни асослаш мақсадида келтирилган далилларни қиёсий ўрганиш, уларни таҳлил қилиш, бизга жарҳ ва таъдил илмининг пайдо бўлиш ўрни ҳамда сабаблари, ислом ўлкаларига ёйилиш географиясини аниқлашимизда муҳим восита бўлади.

Мақолада мазкур илмнинг мазмун-моҳияти, тадқиқот объекти, предмети, мақсади, унинг дастлабки икки асрдаги ривожланиш босқичлари тўғрисидаги мавжуд маълумотлар аниқланиб, таҳлил қилинган ҳамда уларнинг ҳар бири юзасидан хулосалар берилган.

В науке о хадисах большое внимание уделяют цепочке передатчиков, то есть иснаду которая является составляющей хадисов. Действительно, согласно степени достоверности рассказчиков в хадисе, устанавливается, достоверность или слабость хадисов, должны ли они быть приняты или отвергнуты. Дисциплина, которая занимается выявлением отрицательных и положительных качеств передатчиков, таких как ущербность, справедливость и надежность, и в основании этого делает вывод о конкретном передатчике, называется «джарх и таъдил».

Существуют различные взгляды на возникновение науки о «джарх и таъдил», и некоторые исследователи пытались связать это явление с первыми смутами в истории ислама, в то время как другие утверждают, что оно возникло в середине второго века после Хиджры. В то же время существуют различия в вопросе о том, появилась ли эта наука во всех исламских странах одновременно или в разное время в разных регионах.

Сравнительное изучение аргументов, выдвинутых на основе этих заключений, анализ места и причин возникновения науки о «джарх и таъдиль», является важным инструментом в определении географии распространения этой дисциплины в исламских странах.

В статье выявляется и анализируется содержание, характер предмета, объект исследования, его предмет, этапы его развития в первые два столетия, каждому из которых были даны выводы.

In the science of Hadith, great attention is paid to the chain of transmitters, that is, the isnad which is the component of hadiths. Indeed, according to the degree of credibility of the narrators in the Hadith, it is established whether the Hadiths are reliable or non-reliable, whether they should be accepted or rejected. The discipline, which deals with the identification of negative and positive qualities of the transmitters, such as inferiority, fairness and reliability, and which in the basis of this makes a conclusion about a particular transmitter, is called "jarh and ta'dil".

There are different views on the emergence of the science of jarh and ta'dil, and some researchers have tried to link this phenomenon with the first troubles in the history of Islam, while others argue that it arose in the middle of the second century after the Hijra. At the same time, there are differences in the question of whether this science appeared in all Islamic countries at the same time or at different times in different regions.

A comparative study of the arguments advanced on the basis of these arguments, their analysis, the place and causes of the emergence of the science of jarh and ta'dil is an important tool in determining the geography of distribution of this discipline in Islamic countries.

The article reveals and analyzes the content, the nature of the subject, the object of research, its subject, the stages of its development in the first two centuries, and each of which were given conclusions.

дир [5:1:595–596 б.]. Истилоҳда ровий ёки гувоҳга унинг гапи эътиборга олинмиши ёки унга амал қилинишига сабаб бўлувчи шахсий ижобий сифатларнинг боғланишига (тиркалишига) айтилади. Шунингдек, ровийнинг адолат ёки забт (ривоятини айнан айтаётганига ишончи) каби сифатлар билан сифатланишига ҳам айтилади.

«Жарҳ ва таъдил» илми «илм ар-рувот» (ровийлар илми) ёки «илм ар-рижол» (кишилар илми)

билан маънодош бўлиб, кўп ўринларда муҳаддислар ушбу ибораларнинг бирини бошқасининг ўрнига ишлатишганини кўриш мумкин.

Жарҳ ва таъдил илмида, аксар ҳолда, ровийнинг айб-нуқсонлари каби иллатлари қидирилгани учун унинг шаръий жиҳатдан руҳсат этилгани ёки тақиқлангани тўғрисида турли хил фикрлар пайдо бўлган. Зеро, умумий қоидага кўра, бировнинг айбини ошкор қилиш ҳаром амаллардан ҳисобланади.

Уламолар ушбу илмнинг жоизлигига Қуръони каримнинг «Хужурот» сураси 6-оятини далил сифатида келтиришади. Унда Аллоҳ таоло: «Эй имон келтирганлар! Агар фосиқ хабар келтирса, аниқлаб кўринглар, бир қавмга билмасдан мусибат етказиб қўйиб, қилганингизга надомат чекувчи бўлманглар», – дея мўминларга ҳар қандай хабарга ишониб кетавермай, унинг чинлигини текшириб кўриш лозим эканини уқтирмақда.

Имом Нававий «Риёз ас-солиҳин» асарида шаръий мақсадга кўра, яъни шаръий ҳукм чиқариш учун бировнинг салбий сифатларини аниқлашдан бошқа йўл қолмаганда, тирик ёки вафот этган кишини ғийбат қилиш жоизлигини таъкидлайди [22; 525 б.].

Жарҳ ва таъдил илми тарихини ўрганган тадқиқотчилар унинг пайдо бўлишини илк ислом даврига боғлашга ҳаракат қилишади. Аксарият манбаларда унинг пайдо бўлиши Усмон (р.а.) даврида юз берган ва халифанинг вафоти билан якунланган «фитна» воқеасига боғланса, баъзи ўринларда халифалар Абу Бакр ва Умарларнинг ушбу илмга асос солишганига урғу берилади. Турк тадқиқотчиси Мустафо Тош Имом Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»идан қуйидаги ривоятни келтириб, буни *жарҳ ва таъдил* илмининг илк белгилари сифатида баҳолайди [4; 96 б.]. Имом Бухорий келтирган ҳадисда Муҳаммад (с.а.в.) тўрт ракатли намозни икки ракат ўқиб, салом берганлари, Зулядайн лақабли саҳобийнинг: «Эй, Аллоҳнинг расули! Намоз қисқардими ёки унутдингизми?», дея берган саволига «Унутганим ҳам йўқ, намоз ҳам қисқармади» деб жавоб бериш асносида атрофдагилардан «У тўғри айтяптими?» деб сўраганлари, «Албатта» жавобини олгач намознинг қолган икки ракатини ўқиганлари ривоят қилинади [11; 1; 103 б.].

Кейинги мисол биринчи халифа Абу Бакрдан марҳумнинг бувиси мерос ажратиб беришни сўраб келгани тўғрисидаги ривоят бўлиб, унда халифа Муғийранинг ушбу масалага оид ривоятини тасдиқлаш учун гувоҳ келтиришни сўраган ҳамда Муҳаммад ибн Масламининг гувоҳлигидан сўнг ривоятни қабул қилган» [13; 1; 3 б.].

Иккинчи халифа Умар ибн Хаттобнинг ҳаётидан ҳам *жарҳ ва таъдил*га оид мисол келтириш мумкин. Имом Бухорий «Изн сўраш боби»да Абу Саид Худрийдан қилган ривоятида Умар Абу Мусонинг ушбу борада қилган ривоятини тасдиқлаш учун гувоҳ келтиришни сўрагани, Абу Саид Худ-

рийнинг гувоҳлигидан сўнггина уни тинч қўйгани келтирилади [11; 8; 54 б.].

Бошқалар эса, *фитна* тўғрисидаги қуйидаги ривоятни келтирган ҳолда ушбу илмнинг пайдо бўлишини халифа Усмоннинг вафотига боғлашади. Зеро, ушбу воқеадан сўнг турли фирқалар, ғаразгўй гуруҳлар пайдо бўлдики, улар ўзларининг ҳақ йўлда эканини исботлаш учун ёлғон ҳадислар тўқий бошлашди. Бу ҳақда машҳур тобей Ибн Сириннинг (ваф. 111/728 й.) қуйидаги гапи ривоят қилинади: «Авваллари ҳадис исноди ҳақида сўралмас эди. Фитна (Усмон р.а. давридаги фитналар) рўй бергандан сўнг ровийингизнинг кимлигини айтинг, дейишар, агар ровий аҳли суннадан бўлса ривоятни қабул қилишар, аҳли бидъатнинг ривоятини олишмас эди» [21; 1; 84 б.].

Г.Йейнбол мазкур ривоятни таҳлил қилиб, ушбу *фитна*ни Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг ўлдирилиши билан боғлайди [2; 56, 121 б.].

Й.Шахт Ибн Сириннинг ривояти тўғрисида баҳс юритар экан, фитнани уммавий халифа Валид ибн Язиднинг ўлдирилиши (126/743 й.) билан боғлайди. Шу билан бирга, Ибн Сирин ушбу фитнадан аввал вафот этгани сабабли, ушбу ривоятнинг унга тегишлилигини ҳам шубҳа остига олади [1; 167 б.]. Турк тадқиқотчиси Мустафо Қоратош Шахтнинг ушбу фикрини ҳақиқатдан йироқ, деб ҳисоблайди. Бунга сабаб қилиб Шахт ишлатган фактни кўрсатади [3; 75 б.].

Ибн Ҳиббон Умар ва Алиларни (р.а.) ривоятда рижолни (ровийни, иснодни) тафтиш қилган, хабарларни нақл қилиш тўғрисида баҳс юритган дастлабки саҳобийлар сифатида зикр этади [18; 1; 13, 36 – 38 б.].

Ибн Адий бунга қўшимча Умар, Убода ибн Соми (ваф. 34/654 й.), Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Солим (ваф. 43/663 й.), Оиша бинт Абу Бакр, Абдуллоҳ ибн Аббос ва Анас ибн Моликлар (ваф. 93/712 й.)ни зикр этади [15; 47 – 50 б.].

Таъкидлаш керакки, барча саҳобийлар ҳам ҳадисларни исноди билан ривоят қилиш лозимлиги тўғрисидаги қарашларга қўшилмаган. Баро ибн Озибнинг (р.а.) эса: «Биз сизларга Расулуллоҳдан (с.а.в.) ривоят қилган ҳадисларнинг барчасини ҳам у зотдан эшитмаганмиз. Уларнинг баъзиларини асҳобларимиздан эшитганмиз. Албатта, биз ёлғон гапирмаймиз» – дегани ривоят қилинади [19; 84 б.].

Саҳобийлар даврининг аввалида ривоят тўғрисидаги савол орқали ровийларнинг забти текши-

рилган бўлса, «Фитна»дан сўнг уларнинг адолати ҳам танқидий ўрганилиб, кейин унга баҳо бериладиган бўлди.

Тобеййлар даврига келиб, мусулмон дунёсининг турли ўлкаларида жарҳ ва таъдил илми бошқа ҳадис илмларидан ажралиб, мустақил соҳа сифатида ривожлана бошлади.

Иброҳим Нахайй (ваф. 96/714 й.), Шаъбий (ваф. 104/722 й.), Товус (ваф. 106/725 й.) ва Ибн Сирин каби баъзи тобеййлар заиф ровийларни танқид қилишар, шу билан бирга уларнинг аҳволини баён этиш билан ҳам шуғулланишар эди. Ушбу даврда иснодни тафтиш қилган дастлабки одам тобеййларнинг сайидларидан бўлган Омир Шаъбийдир (ваф. 103/721 й.) [7; 208 б.]. Ибн Маинга кўра, ровийларни танқид қилган илк киши Ибн Сириндир [17;1;355 б.]. Ибн Ражаб айтади: «Ҳадис иллатини билувчи танқидчилар ҳадис аҳли орасида жуда кам бўлиб, биринчи бўлиб ҳадисни танқидий ўрганган олим Ибн Сириндир. Ундан кейин Айюб Сахтиёний (ваф.131/749 й.) ушбу ишни давом эттирган» [16;2;107 б.].

Ушбу илм билан шуғулланган тобеййлар ва уларнинг шогирдлари фаолияти натижасида марказий шаҳарларда жарҳ ва таъдил мактаблари вужудга келди. Ҳадис иснодидаги ровийларни танқидий ўрганишда уларнинг забтини текшириш билан биргаликда адолатини ҳам ўрганиш мезони ишлаб чиқилди [9; 68–83 б.].

Мадина шаҳри бошқа исломий илмлар қатори жарҳ ва таъдил илмида ҳам дастлабки ва муҳим марказ сифатида эътироф этилади. Зеро, ушбу шаҳар кўплаб саҳобийлар ва тобеййларнинг юрти эди. Саҳобийлар даврининг охирларидаёқ бу ерда ҳадис иснодини сўраш бошланган эди. Ибн Ҳиббон Мадинада Саид ибн Мусайяб (ваф. 93/712 й.), Али ибн Ҳусайн (ваф. 93/712 й.), Абу Салама ибн Абдулраҳмон ибн Авф (ваф. 94/713 й.), Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утба (ваф. 94/713 й.), Урва ибн Зубайр (ваф. 94/713 й.)ни саҳобийларнинг ровийлар танқидига оид методидан фойдаланган ва уларнинг давомчилари бўлган тобеййлар сифатида зикр этади. Уларнинг давомчилари сифатида эса, Ибн Шихоб аз-Зухрий (ваф. 124/742 й.), Саъд ибн Иброҳим (ваф. 125/743 й.), Яҳё ибн Саид ал-Ансорий (ваф. 143/760 й.) ва Ҳишом ибн Урва (ваф. 145/762 й.), Саъд ибн Иброҳимни келтиради [18;1; 38–39 б.]. Ушбу тобеййлар фаолияти натижасида Мадина шаҳрида ҳадисишунослик соҳаларидан

бири бўлган жарҳ ва таъдил илми мактаби юзага келди.

Аббосийлар халифалиги пойтахти Куфа ва Бағдод шаҳарларининг мақоми кўплаб саҳобийларнинг бу ерга кўчиб келишларига сабаб бўлди. Ўлкага Абдуллоҳ ибн Масъуд (ваф. 32/652 й.), Али ибн Абу Толиб (ваф. 40/661 й.), Абу Мусо Ашъарий (ваф. 44/665 й.), Баро ибн Озиб (ваф. 71/690 й.), Саъд ибн Абу Ваққос (ваф. 55/675 й.), Жобир ибн Самура (ваф. 74/693 й.), Муғийра ибн Шуъба (ваф. 50/670 й.), Самура ибн Жундуб (ваф. 60/679 й.), Нуъмон ибн Башир (ваф. 64/683 й.), Абу Мансур Ансорий (ваф. 40/660 й.), Жарир ибн Абдуллоҳ (ваф. 51/671 й.) каби саҳобийлар кўчиб келишгани натижасида ҳам ҳадис илмлари ривожланди.

Ироқда ҳадис иснодини тадқиқ этиш тобеййлар даврида бошланган бўлиб, унинг урфга айланиши тўғрисида қуйидаги ривоят далолат беради. Ҳаммод ибн Салама айтади: «Биз Қатоданинг ёнига келардик. У Пайғамбардан (с.а.в.) шундай етиб келди (балағана анин-Набиййи), Умардан шундай етиб келди, дея ҳадисларни иснодсиз ривоят қилар эди. Басрага Ҳаммод ибн Абу Сулаймон келиб, «Бизга Иброҳим, фалон ва фалон ривоят этди», дея ривоят эта бошлади. Бу тўғрисида Қатодага айтилгач, у ҳам «Мутаррифдан сўрадим», «Бизга Анас ибн Молик айтиб берди» ва «Саид ибн Мусайябдан сўрадим», – дея санадлар билан ривоят эта бошлади» [10;7; 172 б.].

Имом Термизийга кўра, Ҳасан Басрий (ваф. 110/728 й.), Товус ибн Кайсон (ваф. 106/724 й.), Саид ибн Жубайр (ваф. 95/714 й.), Иброҳим Нахайй (ваф. 96/715 й.), Омир Шаъбийлар (ваф. 100/719 й.) Ироқдаги жарҳ ва таъдил илми асосчиларидан бўлган. Улар Ироқда жарҳ ва таъдил мактабига асос солишган [20; 13 б.].

Бир ровийнинг забтини аниқлаш юзасидан тобеййлар «аввалги ривоятлари билан кейинги ривоятларининг орасидаги қарама-қаршилиқ», «бир шайхнинг бир нечта талабаларининг ривоятларини қиёслаш», «бир шайхнинг ривоятларини бошқа шайх ривояти билан қиёслаш» [6;3; 376 б.] каби усулларни қўллашгани маълум.

Ҳижрий иккинчи аср ўрталарида (милодий саккизинчи аср тўртинчи чораги) тобейй даври тугаб, таба тобейй даври бошланди [12; 175 б.]. Ушбу давр ҳадис илмининг бошқа соҳалари каби иснод танқиди билан шуғулланувчи жарҳ ва таъдил илмининг ҳам янги, юксак босқичга чиқиши билан кечди. Дастлаб Мадина ва Ироқ шаҳарларида пай-

до бўлган ушбу илм таба тобейлар даврига келиб ислом оламининг барча йирик шаҳарларига ёйилди. Иснодни танқидий ўрганиб, ровийларнинг ҳолларини баён этиш билан шуғулланган ва бу орқали машҳурликка эришган муҳаддислар етишиб чиқди.

Қуйида ушбу давр танқидчиларидан қилинган жарҳ ва таъдилга оид ривоятлардан баъзиларини келтириб ўтамиз. Абдулмўмин ибн Халаф ан-Насафий Абу Али Солиҳ ибн Муҳаммаддан ривоят қилади: «Абу Али Солиҳ ибн Муҳаммаднинг: «Кишилар (ровийлар) тўғрисида сўз юритган дастлабки одам Шуъба ибн Ҳажжождир (ваф. 160/777 й.). Кейин унга Яҳё Қаттон (ваф. 198/813 й.), ундан кейин Аҳмад ибн Ҳанбал (ваф. 245/851 й.), Яҳё ибн Маин (ваф. 233/848 й.) ва мана булар эргашишди» деяётганини эшитдим» [8; 2; 201 б.].

Мазкур табақа вакилларида бўлган танқидчи муҳаддислар қаторида кўплаб кишилар зикр этилади. Имом Термизий Авзойи (ваф. 151/768 й.), Шуъба, Суфён Саврий (ваф. 161/778), Молик ибн Анас (ваф. 179/795 й.), Ибн Муборак (ваф. 181/797 й.), Яҳё Қаттон, Вакиъ ибн Жароҳ (ваф. 197/812 й.), Ибн Маҳдий (ваф. 198/813 й.) ва бошқа олимлар ровийларни танқидий ўрганишганини таъкидлайди [23;5;738 б.].

Ибн Абу Ҳотам ва Ибн Ҳиббон бу даврда рижол танқидчилиги билан шуғулланганлар орасида Воситда Шуъба, Куфада Суфён Саврий, Басрада Ҳаммод ибн Салама (ваф. 167/783 й.) ва Ҳаммод ибн Зайд (ваф. 179/795 й.), Мадинада Молик ибн Анас ва Суфён ибн Уяйна (ваф. 198/813 й.), Шомда Абдуorraҳмон ибн Амр Авзойий (ваф. 158/775 й.) ва Мисрда Лайс ибн Саъдларни (ваф. 175/791 й.) зикр этишади. Буларнинг ичида жарҳ ва таъдилни ҳадис илмининг алоҳида соҳасига айланишида Шуъба, Молик ва Суфён Саврийларнинг алоҳида хизмати зикр этилади [14;1;11 – 12; 18;1;40].

Имом Заҳабий эса, таба тобей даврини уч қисмга бўлган ҳолда, жами 163 нафар иснод танқидчиларининг исмларини зикр этади [12;175–184 б.].

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ҳадис илмларининг муҳим соҳаси бўлган жарҳ ва таъдил илмининг пайдо бўлиши ва шаклланиши ислом ўлкаларида рўй бераётган ҳодисалар, сиёсий келишмовчиликлар натижасида пайдо бўлган турли фирқаларнинг фаолияти билан боғланади. Дастлабки даврда машҳур саҳобийлар ўзлари эшитмаган ривоятни бошқа саҳобийлардан эшитиб қолишса, ушбу ривоятни қачон, қаерда ва кимдан эшитгани ҳақида

сўрашар эди. Усмон ибн Аффон (р.а.) ҳамда ундан кейинги даврида юз берган фитналар натижасида ҳадис иснодини ҳам ўрганиш заруратга айланиб борди. Ўзларининг ҳақ йўлда эканини исботлаш ҳамда ғаразли мақсадларига эришиш йўлида ҳадис тўқувчи турли гуруҳ ва кимсалар, мусулмонларнинг обрўсига путур етказишни мақсад қилган тоифаларнинг фаолияти натижасида ушбу илмнинг аҳамияти ортиб бораверди. Дастлаб ушбу илм билан Муҳаммад ибн Сирин, Шаъбий, Аъмаш ва Шуъба каби тобейлар шуғулланишган бўлса, кейинчалик ушбу илмга бўлган қизиқиш ортиб бораверди. Ҳижрий иккинчи аср ўрталарига (милодий саккизинчи аср иккинчи ярми) келиб ҳадислар иснодсиз ривоят қилинмас, бобларга ажратилган ҳолда китобларга жамланар эди. Бунда Мадина, Макка, Басра, Куфа, Яман, Шом, Восит, Хуросон каби ўлкалардан етишиб чиққан муҳаддис уламоларнинг хизмати беқиёс бўлди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Azami Muhammad Mustafa. On Scacht's Origins of Muhammadan Jurisprudence. Pakistan: Suhail Academy, 2004. – 237 p.
2. G. H. A. Juynboll. Oryantalist Hadis Aras-trmalar Makaleler. Trc. Mustafa Erturk. Ankara: Ankara Okulu yay, 2001.
3. Karatas, M. (2003). Hadislerde Isnad Sistemi. Diyanet Glmi Dergi, 71-84.
4. Tas M. Buhari'nin Ilmi Sahsiyeti ve Cerh-Ta'dil Ilmindeki Yeri //Marife Dini Arastrmalar Dergisi. – №. 1. – S. 87-110.
5. Turhan H. I. Rical Tenkidinin Dogusu ve Gelisimi-Hicri Ilk Iki As'r //Istanbul: IFAV. – 2015.
6. Abu Ja'far Muhammad ibn Amr Uqayliy Makkiy. Zuafo al-kabir. – Bayrut: Dor al-maktaba al-ilmiiyya, 1984. – 4 j.
7. Abu Muhammad Hasan ibn Abdurrahmon Romahurmuziy. Al-Muhaddis al-fosil baynar-raviy val-va'iy. – Bayrut: Dor al-fikr, 1984. – 678 b.
8. Bag'dodiy, Abu Bakr Ahmad ibn Ali ibn Xatib. Al-Jome' li axlaq ar-roviy va odob as-sami'. – Riyoz: Maktaba al-ma'orif. – 2 j.
9. Bag'dodiy, Abu Bakr Ahmad ibn Ali ibn Xatib. Al-Kifoia. – Haydarobod: Dor al-maorif al-usmoniyya, 1938. – 461 b.
10. Bag'dodiy, Muhammad ibn Sa'd. Tabaqot al-kubro. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiiyya, 1990. – 8 j.

11. Buxoriy, Muhammadi ibn Ismoil. al-Jome' as-sahih. – Bayrut: Dor tuq an-najot, 2001. – 9 j.- 2088 b.
12. Zahabiy, Shamsiddin Muhammad ibn Ahmad. Zikr man ya'tamid qovluh fiy al-jarh va at-ta'dil. – Suriya: Dor al-maktaba al-islomiya, 1990. – 301 b.
13. Zahabiy, Shamsiddin Muhammad ibn Ahmad. Tazkira al-huffoz. – Bayrut: Dor al-kutub al-Ilmiyya. 1998. – 4 j. – 1760 b.
14. Ibn Abu Hotam. Al-Jarh va at-ta'dil. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya, 1953.– 9 j.
15. Ibn Adiy, Abu Ahmad Abdulloh ibn Abdulloh Jurjoniy. Al-Komil fiy zuafo ar-rijol. – Bayrut: Dor al-fikr, 1984. – 9 j.
16. Ibn Rajab, Zayniddin Abdurrahmon ibn Ahmad. Jome al-ulum val-hikam. – Bayrut: Muassasa ar-risala, 2001. – 2 j. – 535 b.
17. Ibn Rajab, Zayniddin Abdurrahmon ibn Ahmad. Sharh ilal at-Termiziy. – Iordaniya: Maktaba al-manor, 1987. – 2 j. – 1046 b.
18. Ibn Hibbon, Abu Hotim Muhammad ibn Ahmad Bustiy. Kitob al-majruhin min al-muhaddisin va az-zuafo va al-matrukin. – Bayrut: Dor al-ma'rifa, 1992. – 3 j.
19. Ibrohim Amin Jof Shaharzuriy Bag'dodiy. Manahij al-muhaddisiyna fiy naqdir-rivoyat at-tarixiyya lil-qurun al-hijriyya as-salisa al-uvla. – Dubay: Dor al-qalam, 2014. – 2 j. – 818 b.
20. Muhammad Mustafo A'zamiy. Manhaj an-naqd inda al-muhaddisin nash'atuh va tatovvuruh. SAP: Maktaba al-kavsar, 1990. – 234 b.
21. Navaviy, Abu Zakariyyo Muhyiddin. Al-Minhaj sharhi sahih Muslim ibn al-Hajjoj. – Bayrut: Dor at-turos al-arabiy, 1972. – 18 j.
22. Navaviy, Abu Zakariyyo Muhyiddin. Riyoz as-solihin. – Bayrut: al-Maktaba al-islomiy, 1992. – 704 b.
23. Saxoviy, Muhammad ibn Abdurrahmon. Al-Mutakallimun fiy ar-rijol. – Halab: Maktaba al-matbu'a al-islamiyya, 1995. – 146 b.
24. Termiziy, Abu Iso Muhammad ibn Iso. Sunan. – Misr: Mustafo Bobiy Halabiy, 1975. – 5 j.

